

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ
ҲОКИМИ
ҚАРОРИ



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

XORAZM VILOYATI
HOKIMI
QARORI

« II » февраль 2014 йил

Урганч ш.

№ 32к

Нусха №

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2124 – сонли қарори ҳақида

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги ПҚ-2124-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2124-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Вилоятда 2014 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастури (кейинги ўринларда Дастур деб юритилади) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Дастур ижросини таъминлаш бўйича вилоят ишчи гуруҳи таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Вилоят ишчи гуруҳи (Ш.Хўжаниёзова):

- Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг юқори савияда ва белгиланган муддатларда амалга оширилишини таъминласин;

- Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ҳамда Вазирлар Маҳкамасига Дастур ижроси юзасидан ҳар чорак якуни бўйича ахборот киритиб борсин.

5. Бошқарма ва идоралар, шаҳар, туманлар ҳокимликлари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар раҳбарлари зиммасига Дастурда кўрсатилган тадбирларни юқори савияда ва белгиланган муддатларда амалга оширилиши юзасидан шахсий масъулият юклансин.

6. Вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси, “Хоразм” телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Дастур тадбирларининг амалга оширилишини мунтазам равишда ёритиб бориш тавсия этилсин.

7. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш.Хўжаниёзова, ўринбосарлари М.Эрметов ва С.Абдиқаримовалар зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



П.Бобожонов